

Захириддин Мухаммад Бобур хаёт йўли, тақдири, ижоди, дунёкараши мураккаб ижодкордир. Унинг дунёкараши, ижодидаги зиддиятлар адиб яшаган давр, унинг хаёт йўли билан зич боғлиқдир. Ижодкорнинг дунёкараши хақидаги совет давридаги ишлар сохта бўлиб, шўро сиёсатига мослаштирилган. Мустакиллик йилларида адиб дунёкараши хақида хакконий карашлар юзага кела бошлади. Шундай бўлса-да, Бобур хаётига, ижодига Куръон гоёларининг таъсири масаласи яхши ўрганилган эмас.

Бобур колдирган илмий-адабий мерос унинг динга муносабатини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, Бобур яшаган ва ундан кейинги вақтларда яратилган тарихий, адабий асарларда ҳам бу ҳақда қимматли маълумотлар бор.

Бобур XVI аср фарзанди сифатида Аллохни бир, Ислом динини муқаддас билади, Ислом дин и фарзларига амал қилади.

Куръони карим Раъд сурасининг 39-оятда шундай дейилган: «Аллох нимани хоҳласа, махв қилур, нимани хоҳласа собит қилур». Шу суранинг 26-оятда шундай фикр бор:

«Аллох хоҳлаган кишининг ризқини кенг қилур ва (хоҳламаганини) тор қилур».

Бобур ана шу ояти қарималардаги гоёлар асосида бир рубойида Аллохга илтижо этиб, бундай дейди:

Ё қахру қазаб бирла мени туфрок қил,

Ё баҳри иноятингда мустағрок қил.

Ё Раб, сенгадир юзум қаро, гар оқ қил,

Хар навъи сенинг ризонг эрур, андоқ қил.

Бобур хаётидаги ибратли ва хайратомуз воқеалардан бири шуки, у дуонинг қучи туфайли ўлим зарбасидан омон қолади. У «Бобурнома» асарида 1506-1507 йил воқеаларини ёзар экан, тўс-тўполон, танг ҳолатида Дуст Сарипулий билан Аҳмад Юсуф қилич яланғочлаб яқин кела бошлайди. Бобурга қилич солади, аммо Бобур дуо ўқиб тургани учун (аслида Аллохнинг инояти билан) шикаст етмайди. «Мен совуққа ва қорга қўмилганимданму, мени танимади, ё уруш изтиробидинму эди, бетақоши яланг бозумга — қилич солди, Тангри инояти эди, сари мўл қор қилмади».

Агар тиги олам бичинбанд зи қой,

Набурроод раге то нақоҳат Худой.

(Маъноси: Агар олам тиги ўз жойидан қўзғалса, Худо хоҳламаса, бирор томирни ҳам қирқолмайди).

Мен бу дуони ўқиб эдим, анинг хосятидин эдики, Тангри таоло, бу мазарратни дафъ қилди ва бу мутаъважжих бўлгон балони рафъ қилди, ул дуо будир: «Аллоҳумма анта Роббий, лаа илақа илла анта, алайқа таваққалту ва анта роббул аршил азим.

Маашаллоху қаана ва маа лам яшаъ лам яқун. Ва лаа хавла вала қуввата илла биллаҳил алиййил азим. Ва инналлоҳа алаа қулли шайъин қодир. Ва инналлоҳа қод аҳата биқулли шайъин илман ва алаа қулли шайъин ададан. Аллоҳумма инни аузубика мин шарри нафси ва мин шарри қойри ва мин шарри қулли даббатин, ...иннақа роббул аршил азим».

Таржимаси: «Раҳмли Аллох номи билан бошлайман. Эй Аллох! Сен Раббимсан, Сен соҳибимсан. Сендан бошқа ҳеч қандай яратувчи йўқ. Таваққал қилдим Сенга ва Сен улуг Арши аълонинг соҳибсан. Аллох нимани хоҳласа бўлади, нимани хоҳламаса — бўлмайди. Қуч-қувват фақат буюқ ва қудратли Аллох таолодандир. Албатта, Аллох ҳамма нарсага қодир Зот. Албатта, Аллох ҳақиқатда ҳар бир нарсанинг ил мини, ҳар бир нарсанинг ададини ҳам билғувқидир. Эй Парвардигор! Мени ҳамма ёмонликлардан,

хамма ёмонлик келтирувчи нарсалардан Ўзинг саклагин. Сен хакикатда улкан Аршнинг сохибидурсан».

Бобуршуносликда Бобурнинг дуоסי хакида гап борганида, унинг касал Хумоюн атрофида айланиб айтган гаплари мисол келтирилади. Бу тўғри эмас. Юкорида келгирилган дуо Бобурнинг хамиша ўкиб юрган дуосидир. Хумоюн атрофида айланиб айтган гаплари эса Аллохга илтижоларидир.

Вокеа бундай бўлган эди. Хумоюн Кобулда хаста бўлгач, уни Хиндистонга келтирадилар. Дори-дармон кор килмайди, унинг ахволи кундан-кунга ёмонлаша боради. Мир Абулкосим номли улуг киши Хумоюн жонига бирор нарса «тасаддук» килмок кераклигини айтади.

«Менинг кўнглимга келдиким, Мухаммад Хумоюннинг мендан ўзга яхширок нимарсаси йўк. Мен ўзим тасаддук бўлайин, худой кабул килсин». Хожа Халифа деган киши эса бундай килмасликни, ўша машхур олмосни хадя этишни маслахат беради. Бобур эса бундай дейди: «...дунё моли анинг эвазига нечук бўлгай, мен анинг фидоси бўлурменким, хол анча мушкул бўлубтур. Ўшал холатга кириб, уч катла бошидан ўргулиб, дедимким, мен кўтардим, хар не дардинг бор. Ўшал замон мен огир бўлдим, ул енгил бўлди, ул сихат бўлиб кўпти, мен нохуш бўлиб йикилдим».

Куръоннинг Тавба сурасининг 11-оятида шундай дейилган: «Бас, агар тавба килсалар, намозни тўкис адо этсалар ва закотни берсалар, дин кардошингиздирлар. Биладиган кавм учун оятларимизни батафсил баён киламиз».

Шу суранинг 104-оятида ўкиймиз: «Улар, албатта, Аллох ўз бандаларидан тавбани кабул килишини ва садакаларини олишини ва, албатта, Аллохнинг ўзи тавбаларни кўллаб кабул килгувчи ва рахмли Зот эканини билмасларми?»

Ана шу ояти карималарда таъкидланган тавба масаласи Бобур хаётида катта ўрин тутуди. Бундай тавба ичкилик масаласига хам дахлдордир. Моида сурасининг 90-оятида шундай дейилган: «Эй имон келтирганлар! Албатта, хамр, кимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, уйдан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз».

Хуш келиб ўзни бу кечмакликтин,
Тавба килдим чагир ичмакликтин.
Олтину нукра сурохи-ю оёк,
Хозир айлаб борини синдурдим,
Тарк этиб майин, кўнглимни тиндурдум».

Синдирилган олтин, кумуш идишлар бечораларга, дарвишларга бўлиб берилади. Шуниси ахамиятлики, шох Бобур тавбасидан ибрат олган сарой ахли ва аскарлардан шу куни уч юз киши тавба килган. Шунингдек, шох Бобур ичкиликни таъкикловчи махсус фармон чикаради.

Фармондаги ибратомуз ўринлардан мисол келтирамиз:

«Бу сўзларни ва бу гапларни баён қилишдан гараз шуки, инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русуми, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шохдан тартиб сипохийгача гўзал ёшлик кунларида шариат манъ қилган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгуларга ружу қилинади. Бир қанча вақтдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, уларни битта-битта тарқ қилинар ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпилар эди... Хеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин ва келтирмасин. Ичкиликдан қочинглар, шояд нажот тонсанглар».

Бобур ижоди Куръони карим оятлари гоялари билан сугорилгандир. Худ сурасининг 6-оятида бундай дейилган: «Ерда ўрмаловчи бирор нарса (жонзот) йўқки, унинг ризки (таъминоти) Аллохнинг зиммасида бўлмаса! (У) унинг қароргоҳини ҳам, оромгоҳини ҳам билур. Хаммаси аниқ Кито б (Лавхул-махфуз) да (ёзилган)дир».

Лавхул махфузга — Аллох таоло то қиёматгача яратиладиган нарсалар, инсонлар тақдирлари, илохий китоблар матни ва бошқалар ёзиб қўйилган.

Бобур Андижондан бош олиб кетаркан, бу тақдирдан эканини қайд этади:
Дема Бобурга: нетарсан бош олиб кетмакни,
Тангрининг хаста мундок эса, мен нетгаймен.

Нисо сурасининг 123-оятида: «Ким ёмонлик қилса, унинг жазосини тортадур», дейилган. Қасос сурасининг 84-оятида эса: «Ким бир яхшилик қилтирса, унга ундан кура хайрлироқ (муқофот) бор. Ким бир ёмонлик қилтирса, ёмонлик қилганлар фақат қилганларига яраша жазоланурлар», дейилган.

Бобур ана шу ояти қарималар гояси асосида қуйидаги рубоийни ёзган:

Хар қимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Хар қимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши қўрмагай ёмонлик харгиз,
Хар қимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Бобур яхшиликни улуглайди, ёмонликдан қочишга даъват этади. Шоир бир газалида шундай ёзади:

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

Нисо сурасининг 11-оятида: «Эй имон қилтирганлар! Аллохга итоат қилинг, Пайгамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга ятоат қилиег», дейилган. Шунингдек, қиёмат қунига, фаришталарга ишониш қомил мусулмонлик белгиларидир.

Бобур Яратганга ихлос, улуг шайхларга ҳам эҳтиром билан муносабатда бўлган. Хусусан, унинг Хожа Ахрорга ҳурмати қучли бўлган. Адиб «Бобурнома» асарида 1500—1501 йил воқеалари ҳақида сўзлар экан, Самарқандга ҳужум қила олмай юрган кунларини қаламга

олади. Бекларнинг бири бир ой — кирк кунда оламиз деса, яна бири йигирма кунда оламиз, дейди. Нуён Кўкалтош эса ўн тўрт кунда оламиз, дейди.

Шу сухбатдан ўн тўрт кун ўтгач, Бобур туш кўради. Тушига Хожа Ахрор киради, уни галабага даъват килади. Бу масалани Бобурнинг ўзи шундай баён этади: «Ўшал фурсатда ажиб бир туш кўрдим. Туш кўрарманким, хазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истикболларига чикмишмен, Хожа келиб ўлтурдилар.

Хожанинг олдида голибо бетакаллуфрок дастурхон солмишлар. Бу жихаттин хазрат хотирига нима келмиш. Мулло бобо менинг сори бокиб, ишорат киладур. Мен хам имо била дедимким, мендин эмастур, дастурхон солувчи таксир килибтур. Хожа фахм имдиб, бу узр мастуъ тушти. Кўптилар. Узата чакдим. Ушбу уйнинг дамонида ўнг кўлимдан ё сўл кўлимдан тутиб андок кўтардиларким, бир оёгим ердин кўпти. Туртки дедиларким, шайх маслахат берди. Ўшул кеча мунда-ўк Самаркандни олдим».

Бобур 1502—1503 йил воқеаларини ёзар экан, Хожа Ахрор каромати боис омон колганини баён этади. Бобур душман кўлига асир тушиб, огир ахволда қолади. Шунда икки ракат намоз ўкиб олиш учун рухсат сўрайди. «... бошимни муножотка кўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзим уйкуга борибтур. Кўрадурменким, Хожа Яъқуб Хожа Яхёнинг ўгли - Хазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимга аблак (ола — тахр.) от миниб кўп жамоати аблаг сувар билан келдилар. Дедиларким, гам емангиз. Хожа Ахрор мени сизга юбордилар. Дедиларким, биз аларга истинот тегуриб, подшоҳлик масанадига ўлгургузуббиз».

Бобур кўзини очса, уни куткаргани келган Кутлук Муҳаммад бошлик кишиларни кўради. Маълум бўладики, Кутлук Муҳаммад тушига Хожа Убайдулло кириб, уни бу воқеадан хабардор этиб, Карнонга боришига даъват қилган.

Дарддан азобда қолган Бобур Хожа Ахрорнинг «Волидия» асарини шеърини таржима қилиш туфайли шифо топганини ўзи қайд этган. «Одина қуни ойнинг йигирма учиди харорате баданимда зохир бўлди. Андоқким, жума намозини масжидда ташвиш била ўтадим, китобхонада бир замондин сўнг машаккат билан ўтдим. Индин якшанба қуни истиб, озрок титрадим. Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма еттисида Хазрат Хожа Убайдуллонинг «Волидия» рисоласини назм қилмоқ хотиримга келди. Хазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнглимга кечирдимким, агар бу манзума ул хазратнинг маъқули бўлур, худ нечунким, сохиби «Қасидаи Бурда»нинг қасидаси макбул тушуб, ўзи ўлум маразидин қутулиб, назмининг қабулига далим бўлгусидур».

Бобур тилшунос олим сифатида «Хатти Бобурий» номли янги алифбо яратган. Бу алифбо бобурийлар саройида қўлланган. Бобур Куръонни ўз алифбосида кўчиртириб, Маккага юборган. Хозир Куръоннинг бу нусхаси Эроннинг Машхад шаҳрида сақланади. Хулоса қилиб айтсак, Бобур хаёти давомида Ислом қоидаларига чин мусулмон сифатида қаттиқ риоя этган. Хато қилган пайтлари чин тавба йўлини тутган.

Баҳром Жалилов